

ISSN 2181-7324

# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

№ 1/4 ✪ 2017



*Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
йўналиши*

*Направление  
социально-  
гуманитарных  
наук*

*Social-  
humanitarian  
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдуллаев Б.Н. Зардушт 51-кўшиги (гохи) хусусида янгича фикрлар.....	4
Аллаева Н.А. Хива хонлиги тарихига доир ҳужжатларнинг қисқий таҳлили борисида айрим мулоҳазалар (XVIII-XIX асрларга оид мактублар мисолида).....	7
Алибеков У. Ўзбек халқининг даврий дарё тошқинлари билан боғлиқ календарь удумлари хусусида.....	11
Аннаев Ж.Т., Эшкурбанов Ф.Н. Археологияда замонавий ахборот технологиялар ва гат.....	16
Askarov M.M. Some aspects of historiography of the ethnography of the peoples of Central Asia in the 21st century.....	20
Вансова Н.А. Узбекистан и южная корейя: плодотворное сотрудничество в нефтегазовой сфере.....	24
Ғиёсов С., Бойсариев Х. Ўзбекистон ва Германия давлатларининг ўзаро кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари.....	27
Джураев Д.У. Туркистонда халқ таълимининг ташкил этилиши ва бошқарилишида давр сиёсатининг ақс этиши тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари).....	30
Джураев Р. Жанубий Ўзбекистонда совет даврида янги шаҳарларнинг шаклланиши тарихидан.....	33
Дусчанов Р.Р. XX асрнинг 50-80-йилларида Ўзбекистон саноатининг “ягона халқ хўжалиги”даги ҳолати ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	36
Иномов О.У., Исабеков Б.И. Илк ўрта асрларда Тошкент воҳасидаги археологик маданиятларнинг ўзаро локализацияси.....	40
Инояттов М. Мустақиллик учун курашлар тарихида лидер шахсларнинг ўрни.....	44
Каримов Ж.А. Марказий Осиёда яҳудий диаспорасининг шаклланиши ва маҳаллий халқлар билан ўзаро алоқалари..	47
Каримов Н.Р. Имом Термизий илмий меросининг Малайзияда ўрганилиши.....	51
Кличев О.А. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги рус манзилгоҳларида ташкил этилган таълим муассасалари хусусида.....	55
Курызова Д. Ўзбекистонда 1917-1980 йилларда музейлар ва маданий меросга бўлган муносабат.....	58
Qurbonov N., Shukurov R. Mustaqillikni dastlabki yillarida O'zbekiston va Rossiya davlatlari o'rtasidagi iqtisodiy-ijtimoiy hamkorlik.....	62
Мачин Г.В. Н.А. Мухитдинов – исторический портрет на фоне эпохи (штрихи к политическому портрету).....	65
Мирзаджанов Б.Т. «Дашнаки» в Ферганской долине как проявление непродуманной кадровой политики большевиков.....	75
Назаров А.Н. Сиёсий тараққиёт ҳодисаси – жамият сиёсий тизими эволюциясининг етакчи омили сифатида.....	77
Nazarova N.Y. Mustaqillik yillarida elektrotexnika sanoati taraqqiyoti.....	80
Нарзуллаев У., Муллаев А. Ўзбекистон ва Хитой: буюк ипак йўлидаги замонавий ҳамкорлик.....	83
Насиров О.Н. Рус-бухоро (Россия-Ўрта Осиё) акциядорлик жамияти фаолияти.....	86
Норбўтаев П. Этнографик билимларнинг халқ дostonларида ақс этиши жараёнининг ўрганилиш тарихшунослиги (XX асрнинг 20-90 йиллари мисолида).....	88
Норматов О.М. Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш сиёсати тарихининг манбашунослиги масалалари.....	92
Normatova M.I. Mustaqillik yillarida tog' – kon sanoatida islohotlarning boshlanishi va huquqiy asoslarining ishlab chiqilishi.....	95
Ражабова З.С. Хивадаги дешан қалъа деворлари тарихига доир.....	98
Расулова Д.Б. Француз тарихшунослигининг Ўзбекистон тарихи (XVII – XIX асрлар) бўйича илмий ҳамда манбавий асослари.....	101
Саримсоков А.А. Фарғона водийси ўзбекларининг анъанавий йиғинлари тарихига доир.....	105
Ўсаров У.А. Ўрта аср ёзма манбаларида Бухоро воҳаси суғориш тизимининг ёритилиши хусусида баъзи мулоҳазалар.....	108
Эгамбердиева Г. Пути популяризации историко-культурного туризма в Узбекистане.....	111
Холлиев А.Г. 1861 йил ислохотидан кейинги даврда Россиянинг ташқи иқтисодий алоқалари.....	114

Фалсафа

Абдуллаева Н.С. Формирование совместных предприятий автомобильной промышленности в Андижанской области и процесс их локализации.....	119
Арапов Ш.Д. Рақамли дипломатия ахборот хавфсизлиги контекстида: Ўзбекистон мисолида муаммолар ва истикболлар таҳлили.....	122
Асаматдинова Ж. Педагогические ориентиры великих мыслителей востока по нравственно-эстетическому воспитанию.....	126
Атамуродов Ш., Исоқов Ж., Баҳромов О. Соғлом турмуш тарзини талабалар онгига синдириш орқали касбга тайёрлаш йўллари.....	129
Ғофуров А.У. Ёш курашчиларнинг мураббийлари касбий компетентлигининг методологик аҳамияти.....	133
Жураев Ж.Т. Маконни идрок этишининг “хитой модели”.....	136
Иброхимова Л. Самостоятельная работа как высший тип учебной деятельности.....	139
Инатов А.И. Таълим жараёни такомиллашувини таъминлашда ахборот технологиялари.....	142
Кадырова З.Р., Хакимов Н.Х. Интеграция образования и науки – основа инновационного развития общества.....	145
Кадирова М.Р. Особенности креативности и их направления.....	148
Komilov R.R. “Avesto”da o'zbek millati nikoh marosimlarining estetik va axloqiy ko'rinishlari.....	151
Қодирова Ф.Ш. Дизайнга оид терминларнинг номинатив хусусиятлари.....	154
Қувватов С.И. Ойлада турмуш эстетикасини шакллантиришнинг баъзи масалалари.....	156
Мамадалиев К.Р., Тўхтабоев Н.Т. Ўқув дастури ва адабиётларини яратишда ўқув жараёнини лойиҳалаштириш роли ва аҳамияти.....	159
Мамасолиев Р., Солиев Р. Ёшлар фаоллигини оширишда ватанпарварлик тарбиясининг ижтимоий-педагогик омиллари.....	162
Маматкулова З.М. Педагогик тафаккур ўқув-тарбия жараёнининг энг муҳим таркибий қисми.....	166
Миржамолов М.Х. Жисмоний имконияти чекланган ўқувчилар организмнинг функционал ҳолатини баҳолаш услубияти.....	170
Мирхаликова Ч. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашнинг айрим омиллари.....	178

## ФРАНЦУЗ ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (XVII – XIX АСРЛАР) БЎЙИЧА ИЛМИЙ ҲАМДА МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ

Расулова Д.Б. \*

### РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада француз тарихшунослигининг Ўзбекистон тарихи (XVII – XIX аср) бўйича манбавий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, француз тарихшунослигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тавсифланиб, унинг фан тарихида тутган ўрни ва аҳамияти белгилаб берилган.

Марказий Осиё минтақасининг француз шарқшунослари нигоҳида акс эттирилиши масалалари ҳамда Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган дастлабки француззабон тадқиқотлар атрофида таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** Туркистон, Марказий Осиё, Ўзбекистон, тарихшунослик, манбашунослик, ориентализм, француз шарқшунослиги, манбавий асослар, тадқиқотлар, тарих, этнография, маданият, дин, санъат, ташқи алоқалар.

Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти барча даврларда ҳам жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортиб келган. Мазкур бетакрор заминнинг долзарб масалалари кўплаб хорижий мамлакатлар тарихшунослиги учун асарлар ёзилиши ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилишига сабаб бўлган. Хорижий олимлар ва тадқиқотчилар юртимиз тарихи, маданияти, санъати ва динини катта қизиқиш билан ўрганиб, тадқиқот натижаларини тарихшуносликнинг асосий манбалари бўлган мақола, рисола, монография ва мемуарларда қайд этиб қолдиришган.

Француз тарихшунослигини ўрганишнинг долзарблигини унинг айнан хорижий тарихшуносликдаги ўрни ва аҳамияти катта бўлганлиги билан асослаш мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, француз тарихшунослигини ўрганиш ва уни чуқур таҳлил этиш илмий тарихшунослик асослари пойдеворини мустахкамлайди ҳамда маҳаллий нашрларни хорижий тилларда мавжуд бўлган тарихшунослик материаллари билан қиёсий таҳлил қилиш имкониятларини оширади.

Ориенталистика – (Шарқшунослик) Осиё ҳамда Шимолий Африка халқлари ва мамлакатларининг тарихи, тили, адабиёти, санъати, дини, менталитети, фалсафаси, ижтимоий ҳаёти, иктисодиётини ўрганувчи комплекс илмий фанлар мажмуаси бўлиб [1], жаҳон ориенталистиксининг пайдо бўлиши ва ривожига француз шарқшунослиги ўзига хос ўринга эга.

Замонавий тадқиқотчиларнинг фикрича, французлар Ғарбдаги шарқшунослик тадқиқот марказлари орасида биринчи ўринни эгаллайди [2]. Ғарб илмий доирасига Марказий Осиё ҳақидаги илк қарашлар, илмий хулосалар ҳам айнан француз шарқшунослари томонидан етказиб берилган.

Марказий Осиё минтақаси Европадан Осиёга ўтиладиган чорраҳада ва Буюк Ипак йўлининг марказий ўчоғида жойлашганлиги сабабли доимо дунё ҳамжамиятининг диққат эътиборини жалб этиб келган. Мазкур минтақанинг тарихи, тили, дини ва маданиятига нафақат французлар, балки бошқа миллат вакиллари ҳам катта қизиқиш билан қараганлар. Шу сабабли Марказий Осиё тарихи бўйича француз тарихшунослиги жуда кенг қамровли бўлиб, унинг объекти энг қадимдан то бугунги кунгача бўлган даврни қамраб олади.

Француз тарихшунослигида минтақамизни ўрганиш жараёнлари бугун ҳам давом этмоқда. Айниқса, мустақилликни қўлга киритган юртимизнинг эришган ютуқлари, миллий давлатчилик ривожини, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги қадамлар, қолаверса миллий ўзлиқни англаш, тарихни ҳолисона ўрганишдаги саъй-ҳаракатлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Француз тарихшунослиги бўйича мавжуд манба ва адабиётларни ўрганиб таҳлил қилишда уларни яратилган даврига кўра шартли равишда қуйидаги бокичларга ажратиш мумкин:

1. XVII – XX аср бошлари тарихшунослиги.
2. XX аср тарихшунослиги (1917-1991).
3. Замонавий тарихшунослик.

Мазкур бокичларнинг ҳар бирига оид адабиётларни ўрганилишида амал қилиш лозим бўлган бир неча ўзига хос хусусиятлар, методологик ёндошувлар, таҳлил усуллари мавжуд бўлиб, ушбу мақолада эса фақат XVII – XIX аср бошларига оид тадқиқотлар ўрганилиб, таҳлил этилади.

Ўз навбатида 1917 йилгача бўлган даврга мансуб тадқиқотларни ўзига хос хусусиятлари ҳамда даврига кўра қуйидагича таснифлаш ўринлидир:

- Марказий Осиё тарихига оид илк тадқиқотлар.
- Мўғуллар ва темурийлар даврига оид тадқиқотлар.
- XIX-XX аср бошларидаги тадқиқотлар.

Марказий Осиё тарихига оид илк тадқиқотлар. Французларнинг Шарқ, хусусан Марказий Осиё халқлари тарихига оид тадқиқотлари анча узок даврга бориб такалади. Ушбу тадқиқотларда нафақат Марказий Осиё балки унга ёндош ҳудудлар Афғонистон, Эрон, шарқий Туркистон, Мўғулистон, Хитой халқлари ҳақида ҳам маълумотлар киритилган. Кейинги даврларда, яъни совет тузуми даврида яратилган адабиётларда Марказий Осиё эмас, хусусан Ўзбекистон тарихи [3] ҳақидаги мавзулар қайд этила бошланадики, бу албатта 1924 йилда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш билан боғлиқ эди.

Французларнинг, хусусан, Марказий Осиёга илк қизиқишлари ўрта асрлардан бошланган. Буни

\* Расулова Д.Б. – СамДУ мустақил изланувчиси.

биз француз географи ва адвокат Пьер Бержероннинг (*Pierre Bergeron, 1580-1637*) XVIII асрда ёзиб қолдирган «XII, XIII, XIV ва XV асрларда Осиёга қилинган саёхатлар» номли тўпламида келтирилган маълумотлар билан асослашимиз мумкин. Мазкур тўплам Осиё, яъни ўша даврда «сарацинлар» деб аталган араблар ва «тартарлар» деб аталган мўғуллар ҳақида маълумот берувчи бир неча мемуарлар йиғиндисидан иборат. Унда бир неча саёхатчилар, жумладан, Бенжамин де Тюдел (*Benjamin de Tudele*), Жан дю План Карпин (*Jean du Plan Carpin*), Н.Асцелин (*N. Ascelin*), Гийом де Рубрук (*Guillaume de Rubruquis*), Марк Пол Венециен (*Mark Paul Venetien*), Жан де Мандевиль (*Jean de Mandeville*), Амбруаз Контарини (*Ambroise Kontarini*) [4] каби бир неча саёхатчилар, дин соҳаси вакиллари, савдогарлар ва элчиларнинг Осиёга саёхатлари тафсилоти ёритилган.

Уларнинг сафар уюштиришдан кўзлаган мақсадлари турлича эди, баъзилари ўзларининг миссионерлик мақсади билан келган бўлса, бошқалари дипломатик алоқалар ўрнатиш ёки ҳарбий мақсадларда саёхат қилганлар. Мазкур саёхатлар тафсилотлари европаликлар учун Осиё цивилизацияси ҳақидаги асосий ишончли ва мукамал маълумотларни етказиб берган. Пьер Бержероннинг мазкур асари 11 бўлимдан иборат бўлиб, Осиё ва Марказий Осиё ҳақида маълумот берувчи француз тилидаги илк тўплам ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг қадим ўтмиши ва ўрта асрлардаги тарихи ҳақида маълумот берувчи яна бир йирик тадқиқот Бартеlemi д'Эрбело де Моленвилнинг (*Barthélemi d'Herbelot de Molainville, 1625-1695*) 1697 йилда Парижда нашр этилган «Шарқ библиотекаси ёки универсал луғат» [5] номли тарихий асари бўлиб, мазкур манба форс, араб ва чиғатой манбаларининг таржимаси асосида яратилган. Ушбу луғатда Марказий Осиё минтақасига (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон) оид жой, шаҳар номлари, турли ҳукмдорлар тарихи ва кўплаб атамалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу асар орқали Европада XVII асрдаёқ «Бухоро, Чингизхон, турк, Туркистон, туркман, Улугбек, ўзбек» атамалари ҳақида маълумотлар етказиб берилган эди [6].

Зеро, мазкур тадқиқотнинг мавжудлигидан ўз навбатида Марказий Осиёнинг Европа олимлари нигоҳида алоҳида ўрин эгаллаганлигини англаш мумкин. Бутун XVIII ва ундан кейинги асрлар давомида Шарқ библиотекаси тўплами французлар ёки ғарб олимлари учун Шарқ дунёси ҳақидаги энг мукамал манба ҳисобланар эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, минтақамиз номи яъни Марказий Осиё тушунчаси ҳам илк маротаба тадқиқот натижалари француз тилида нашр этилган манбада, яъни Александр фон Гумбольдт (немис олими) (*Alexander von Humboldt, 1769-1859*) томонидан Парижда 1843 йилда нашр этилган «Марказий Осиё тоғ тизмаларини тадқиқ этиш ва иклимини таққослаш» [7] номли уч жилдлик асарида қўлланилган. Унда тадқиқотчи худуднинг суғориш тизими ва тоғ тизмаларини

ўрганиб, Марказий Осиёни мустақил ўзига хос минтақа сифатида таърифлайди.

Ушбу давр тадқиқотлари натижаси сифатида, Шарқ хусусан Марказий Осиё ҳақидаги илк қарашлар шаклланишини, олиб борилган саёхатлар ҳамда тадқиқотлар натижаларини эса тўплам ёки кўп жилдли асарлар ҳолида нашр этилиши каби хусусиятларни кузатиш мумкин.

**Мўғуллар ва темурийлар даврига мансуб тадқиқотлар.** Кейинги давр адабиётлари ўрта асрларнинг энг оламшумул воқеаларини ўзида мужассам этган мўғуллар ва темурийлар империяси даврига оид бўлиб, ушбу манбалар қизиқарли мазмуни ва салмоғи жиҳатидан катта микдорни ташкил этиши билан ажралиб туради. Бошқа тиллардаги хорижий тарихшунослик йўналишларидан фарқли ўларок француз шарқшунослигида мўғуллар ва темурийлар даври биргаликда ўрганилади. Мазкур давр ҳақида ёзган аксарият муаллифлар ушбу икки йирик империяни киёсий асосда ёритишга уриниб кўрган.

XIII асрдан бошлаб то XIV аср иккинчи ярмигача бўлган даврда Мовароуннаҳрда мўғуллар мавқеи анча баланд бўлганлиги боис, чет эл олимлари кўпроқ ўз асарларини ва ундаги воқеаларни мўғуллар билан боғлаб ёзишган бўлса-да, аммо тадқиқотларда ўша давр Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаёти ҳам кенг ёритилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида француз шарқшунослигида Жозеф де Гиннинг (*Joseph de Guignes, 1721-1800*) «Хунлар, турклар ва мўғулларнинг умумий тарихи» номли монументал асари нашр этилди [8]. Мазкур классик асар француз шарқшунослигида янги босқични бошлаб бериб, Шарқни, жумладан, Марказий Осиёни илмий ўрганишга асос солди. Ж. де Гин асарни ёзишда араб ва хитой тилларида яратилган бирламчи манбалардан фойдаланди. Фойдаланилган манбалар ва камраб олинган тарихий давр жиҳатидан бу асар ўша давр учун ҳақиқатан ҳам буюк тадқиқот ҳисобланар эди. Асарнинг 1-2 жилдлари хунлар ва турклар тарихига (XII аср ўрталаригача), 3-жилди мўғуллар империяси даврига, 4-жилди Темур ва темурийлар даврига, 5-жилди Ж. де Гиннинг вафотидан сўнг 1824 йилда нашр этилиб, ўзбекларга ҳамда Марказий Осиёдаги ўрта аср шаҳарларига бағишланган эди.

Мўғуллар ва темурийлар даври тарихига оид асарлар сирасига яна Леон Каюннинг (*Léon Cahun, 1841-1900*) «Осиё тарихига кириш. Турк ва мўғулларни пайдо бўлишидан то 1405 йилгача» [9] номли асарини киритиш мумкин. Л.Каюн Сорбоннадаги биринчи профессор, хитой ва мусулмон манбаларидан фойдаланиб Марказий Осиё тарихи курси бўйича маъруза ўқиган биринчи европалик олим эди. Бу даврда француз тарихшунослигида анъанага айланган яъни кўчманчилар тарихини табиий офат ёки халқларнинг ғайриоддий ҳолда олиб борилган ҳаракат сифатида баҳолаб, оқибати факат вайронагарчилик олиб келиши талқин қилинган ғояни рад этган карама-қарши концепция ҳам мавжуд эди. Бу ғоялар Л.Каюннинг

«Осиё тарихига кириш» номли асарида намоён бўлади. Л.Каюннинг Шаркка оид кенг адабиётлар фондлари, қўлэмалар коллекциялари ва бошқа хужжатлар билан яқиндан таниш эканлиги унинг ижодиди акс этиб, айниқса Марказий Осиё ҳақида ёзган очерклариди яққол кўриниб туради [10].

Француз тарихшунослигида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи жуда катта қизиқиш билан ўрганилган. Бундай ёндошувлар хали ўрта асрлардаёқ Амир Темурга бағишланган Шарк манбаларини француз тилига таржима қилиш билан бошланган бўлса, кейинроқ Темур ва темурийлар даврига оид махсус тадқиқотлар олиб борилди.

Бу соҳада амалга оширилган катта ишлар сирасига Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг Франсуа Пети де ла Круа таржимаси (*François Petit de la Croix, 1653-1713*) [11], Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-макдур фи тарихи Таймур» асарининг «Буюк Тамерлан тарихи» номи билан Пьер Ватье (*Pierre Vattier, 1623-1667*) таржимаси [12], таникли француз шарқшуноси Луи Ланглэ (*Louis Langlès, 1763-1824*) томонидан амалга оширилган «Темур тузуклари»нинг [13] французча таржимасини киритиш мумкин.

Француз шарқшунослари мавжуд асарларни таржима қилиш билан чекланиб қолмай, балки Амир Темур шахси, темурийлар даври маданияти ва тарихига бағишланган бошқа жиҳатларни ҳам чуқурроқ ўрганиш учун бўлган тадқиқотлар жараёнини кучайтирдилар.

Француз тарихшунослигида темурийлар даврига оид тадқиқотлар натижалари сифатида – С. Санктийоннинг (*Sieur de Saintyon*) «Буюк Темур тарихи» [14], Мураджа д'Оссоннинг (*Mouradja d'Ohsson, 1740-1807*) «Чингизхондан бошлаб Темургача бўлган даврда мўғуллар тарихи» [15], Анри Моранвилленинг (*Henri Moranvillé, 1863-1946*) «Темур ва унинг сарой аҳли хотиралари» [16], Жан-Баптист Марга де Тиллининг (*Jean-Baptiste Margat de Tilly, 1689-1747*) «Осиё жаҳонгири ва императори - Темур тарихи» [17], Сильвестр де Сасининг (*Silvestre de Sacy, 1758-1838*) «Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI билан олиб борган ёзишмалари» [18] Эдгар Блошенинг (*Edgard Blochet, 1870-1937*) «Темур кабртошидаги битиклар» [19], Казимир Круазьенинг (*Edmé - Casimir Croizier, 1848-1925*) «Темурийлар даврида Самарқанд ёдгорликлари» [20], Гийом Капюнинг (*Guillaume Capus, 1857-1931*) «Темур салтанати бўйлаб» [21] каби нашрларини кўрсатиш мумкин.

Юқорида номлари тилга олинган тадқиқотларни ўрганиш ва чуқур таҳлил этиш натижасида француз тарихшунослигида Ўзбекистон тарихи масалалари янги қарашлар ва ёндошувлар асосида таҳлил этилиб, хорижий тарихшуносликнинг янги қирраларини очиб бериш имконига эга бўламиз. Шу билан бирга миллий давлатчилигимиз тарихи саҳифалари янги маълумотлар билан бойитилиб, Ўзбекистон тарихини ўқитиш концепцияси замонавий тенденциялар асосида такомиллаштирилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. <http://www.knowledge.su/v/vostokovedenie-orientalistika>.
2. Шаматов А. К вопросу о новых тенденциях в развитии современного востоковедения (на примере германской научной традиции) // Востоковедение. 2006, № 1-2. С.113.
3. Égretaud M. L'Orient soviétique. Kazakhstan-Ouzbékistan-Kirghizie-Tadjikistan-Turkménistan-Azerbaïdjan. - Paris, Éditions sociales, 95 et 97. 1959. P.13.
4. Bergeron P. Voyages faits principalement en Asie dans les XII, XIII, XIV et XV siècles par divers, accompagnés de l'histoire des sarrasins et des tartars et précédés d'une introduction... - La Haye, 1735. P.5.
5. Barthélemy d'Herbelot de Molainville. Bibliothèque Orientale. - Paris, 1697.
6. Центральная Азия глазами одного французского эрудита XVII-го века (отрывки). - Т.: IFEAC, 2003. С.41, 50, 89, 95, 96, 105, 109.
7. Humboldt A. Asie Centrale. Recherches sur les chaînes de montagnes et la climatologie comparée. - Paris, 1843. P.45.
8. Guines J. de. Histoire Générale des Huns, des Turcs, des Mongols et des autres Tartares occidentaux avant et depuis Jesus Christ jusqu'à à présent. - Paris, Desaint et Saillant, 1756-1758, 4 vol.
9. Cahun L. Introduction à l'histoire de l'Asie. Turcs et Mongols des origines à 1405. - Paris, Armand Colin & Cie, Editeurs. 1896. P. 520.
10. Cahun L. Sur les écrivains turco-mongols du XVI -<sup>e</sup> siècle. 1897, Memoires de la Société d'Ethnographie. Vol. XIII. 21-27 p.
11. Petis de la Croix F. L'histoire de Tamerlan («Zafar-name»). - Paris, 1722.
12. Ibn Arabchoh. Adjaib al-Makdur fi Nawaib Timur (Etrangeres du destin sur les aventures de Tumor) traduit par P.Vattier. - Paris, 1658.
13. Instituts politiques et militaires de Tamerlan, proprement appelé Timour, écrits par lui-même en mogol et traduits en français sur la version persane d'Abou-Taleb-al-Hosseïni, par L. Langlès. - Paris, 1787.
14. Saintyon S. Histoire du grand Tamerlan. - Paris, 1677.
15. D'Ohsson M. Histoire des mongols depuis Tchinguiz-Khan jusqu'à Timour-Khan. 4 vol. - La Haye-Amsterdam, 1834-1835.
16. Moranville H. Memoires sur Tamerlan et sa cour. - Paris, Bib. de l'Ecole des chartes, LV, 1894.
17. Margat J.B. Histoire de Tamerlan, empereur des Mongols et conquerant de l'Asie. Paris, 1739.
18. Sacy S. de. Memoires sur une correspondance inedite de Tamerlan avec Charles VI. Memoires de l'Academie des inscriptions, VI, 1822.

19. Blöchet E. Les inscriptions de Samarkand. (Le Gôûr-i-Mîr, ou Tombeau de Tamerlan, epitaphes de Timouir et de plusieurs princes timouïrides).
20. Paris, E.Leroux, 1897.
21. Croizier C. marquis de. Les Monuments de Samarkand de l'époque des timourides. - Paris, E.Leroux. 1891. Le dernier Amir de Boukhara. Souvenir de voyage en Turkomanie. Bulletin de la société normande de géographie. Rouen, 1893, Impr. E.Cagniard (INALCO).
22. Capus G. A travers le royaume de Tamerlan. - Paris, Menneur. 1892, (INALCO).

#### РЕЗИОМЕ

В статье широко раскрываются и научно анализируются источниковедческие основы истории Узбекистана (XVII – начало XIX вв.) во французской историографии. А также, описывается становление и развитие французской историографии, трактуется её место и значение в системе истории науки.

Кроме того, в статье рассмотрены вопросы касающиеся региона Центральной Азии в взглядах французских востоковедов, а также анализируются первоначальные франкоязычные исследования эпохи Амира Темура и темуридов.

**Ключевые слова:** Туркестан, Центральная Азия, Узбекистан, историография, источниковедение, ориентализм, французское востоковедение, источниковедческие основы, исследования, история, этнография, культура, религия, искусство, внешние отношения.

#### RESUME

In the given article basic sources of the history of Uzbekistan (XVII - the beginning of XIX centuries) are widely revealed and scientifically analyzed in the French historiography. Besides, it describes the formation and development of the French historiography and interprets place and value in the system of history of science.

The article also considers the issues of the Central Asia in the sights of the French orientalist and analyses original French-speaking researches of Amir Temur epoch.

**Key words:** Turkestan, Central Asia, Uzbekistan, historiography, source studies, orientalism, French orientalist studies, source bases, researches, history, ethnography, culture, religion, art, foreign relations.